

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Uzbekistan Airways” АЖ
Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари в.в.б.

У.А.Хусанов

“Uzbekistan Airways” АЖ ҳамда Коррупцияга қарши курашиш
аентлиги ўртасида авикомпанияда очиқликни таъминлаш
соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ

Ўтказиши “Uzbekistan Airways” АЖ маъмурий биноси (Тошкент
жойи: шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 41-уй)

Ўтказиши санаси ва вақти: 2024 йил 30 июль куни, соат 15:00

Мажлисда иштирок этдилар:

Хусанов

Умид Аброрович

Ядгаров

Шұхратилло Шавкатович

Нишонов

Зоҳидбек Турсуналиевич

Кириллов

Алексей Андреевич

Хайруллаев

Бобомурод Хайрулла ўғли

Киракосян

Диана Рузаевна

Неъматов

Гайрат Ильхомович

Филипас

Владимир Иванович

Кузьмина

Римма Ринатовна

Нургалиева

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.в.б.

Бошқарув раисининг тижорат ва туризм бўйича ўринбосари в.в.б.

Хавфсизлик

Бошқармаси бошлиғи

IT-инфратузилмаси,
ракамлаштириш ва киберхавфсизлик
департаменти

Кузатув кенгаши котибияти мудири

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси
бошлиғи

Харидлар департаменти директори

“Uzbekistan airways Sales” директори

Жамоатчилик билан алоқалар
бошқармаси бошлиғи

Молия департаменти директори

**Елена Равильевна
Абдувахобов
Абдусаид Абдувалиевич**

**Умаров
Хайрулла Сайдуллаевич
Брюховецкая
Надежда Васильевна
Абдушукуров
Улугбек Абдукаримович**

**Багдасарян
Артем Валерьевич
Эргашев
Акбар
Ашурев
Нодир
Сафаров
Бахтиёр**

Коррупцияга қарши
курашиш ва комплаенс хизмати
бошлиғи

Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи
Технологик бўлим бошлиғи
“Ўқув Машғулот Маркази” МЧЖ
директори

Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва
транспорт бошқармаси бошлиғи
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
бошқарма бошлиғи
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
ходимлари
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
ходимлари

Мажлис аввалида Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.в.б. У.Хусанов сўзга чиқиб, таклиф этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимларига ташриф учун ўз миннатдорлигини билдириб ўтди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда “Uzbekistan Airways” АЖ (кейинги ўринларда - авиакомпания) ўртасида очиқликни таъминлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда авиакомпанияни “яшил” тоифага олиб чиқиш устувор мақсад этиб белгиланганини айтиб ўтди.

КУН ТАРТИБИ
**“Uzbekistan Airways” АЖ да очиқликни таъминлаш соҳасида йўл
қўйилган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга
оширилаётган ишларни кўриб чиқиши**

Кун тартибига киритилган масала юзасидан У.Хусанов сўзга чиқиб, қўйидагиларни таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратинисамарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон

Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, шу жумладан уларнинг қонунчилик хужжатлари билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш бўйичамажбуриятлари ҳисобини юритиш вазифаси юклатилган. Шунга кўра, Агентлик директорининг 2024 йил 8 июлдаги 31-сонли Фармойишига асосан авиакомпания томонидан жорий йилнинг 2-чораги якунлари бўйича Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатида кўрсатилган ахборотларни эълон қилиб боришиши ўрганилди. Жумладан, авиакомпания томонидан рўйхатда келтирилган очиқ маълумотларнинг расмий веб-сайт ва Очиқ маълумотлар порталига жойлаштирилиши ҳолати ўрганилганда, бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шундан сўнг, йўл қўйилган камчиликлар муҳокамалари бўлиб ўтди ва авиакомпания ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари ўртасида очиқ мулоқотлар бўлиб ўтди. Хусусан:

1. Авиакомпания томонидан ҳар йили 1 марта қадар ўз фаолиятига оид ҳисботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтида очиқ эълон қилиб боришилари лозимлиги белгиланган. Аммо, мазкур ҳисбот Жамият томонидан расмий веб-сайтнинг очиқ маълумотлар бўлимида жойлаштирилмаган (маълумотлар расмий веб-сайтнинг бошқа бўлимида жойлаштирилган).

У.Хусанов тегишли маълумотларни расмий веб-сайтнинг очиқ маълумотлар бўлимига жойлаштириш бўйича тегишли кўрсатма берди.

2. Харидлар тўғрисидаги маълумотлар, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтда жойлаштириб, ҳар чоракда янгилаб боришилари лозимлиги белгиланган. Авиакомпания томонидан маълумотларни янгилаб борища камчиликлар кузатилган.

У.Хусанов юқоридаги таъкидлаб ўтилган маълумотларни ўз вақтида Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтнинг очиқ маълумотлар бўлимига жойлаштириш бўйича харидлар департаментига ҳамда маълумотларни сайтларга жойлаштириш бўйича масъул бўлинмага тегишли кўрсатма берди.

3. Хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар) тўғрисидаги маълумотларни Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтга жойлаштириб, ҳар чоракда янгилаб бориш лозимлиги белгиланган. Аммо Авиакомпания расмий веб-сайтида мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган муддатда жойлаштирилмаган.

У.Хусанов ушбу маълумотлар ўз вақтида жойлаштирилиши учун маъсул бўлган Молия департаменти, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ҳамда

протокол-визалар бўлимига маълумотларни ўз муддатида жойлаштириш бўйича тегишли кўрсатма берди.

4. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин) ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб, доимий равишда янгилаб боришлари лозимлиги белгиланганлиги, Методиканинг 10-бандида доимий (мунтазам) янгилаб бориладиган маълумотлар - бир суткадан кечиктирмай янгилаб борилиши лозимлиги кўрсатилганлиги бироқ, Авиакомпания томонидан давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар расмий веб-сайтида эълон қилинмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бунга жавобан, Авиакомпания бюджет ташкилоти эмаслиги таъкидланди. У.Хусанов лозим бўлса Авиакомпания томонидан бу борада ўрганишлар олиб борилиши ва маълумотлар жойлаштирилишини таъкидлаб ўтди.

5. Йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтда жойлаштириб, ҳар чоракда янгилаб боришлари лозимлиги белгиланган. Аммо, Авиакомпания расмий веб-сайтида ва Очиқ маълумотлар портали 2024 йил учун тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг 2024 йил 2-чоракдаги ижроси тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши таъминланмаган.

У.Хусанов Молия департаменти ва Иқтисодиёт бошқармасига маълумотларни жойлаштириш бўйича кўрсатма берди.

6. Хизмат автомототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган обьектлар тўғрисидаги маълумотларни Очиқ маълумотлар портали ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб, ҳар чоракда янгилаб боришлари лозимлиги белгиланган. Авиакомпания томонидан ўз расмий веб-сайтида мазкур бандда белгиланган ўз тасарруфидаги автомототранспорт воситалари ҳақидаги маълумотлар белгиланган муддатларда эълон қилинмаган (сўнгги маротаба 2023 йил 3-чорак ҳолатига эълон қилинган).

У.Хусанов Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва транспорт бошқармасига маълумотларни ўз вақтида сифатли жойлаштирилиши бўйича кўрсатма берилди.

7. Ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб, ҳар ярим йилда (ҳар йили) янгилаб бориш лозимлиги белгиланган. Аммо,

Авиакомпания расмий веб-сайтида ўрганиш кунига қадар 2024 йил ярим (ёки йиллик) йиллик иш режаси тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинмаган.

У.Хусанов таркибий бўлинмалар рахбарларига маълумотларни жойлаштириш бўйича кўрстма бериб ўтди.

8. Харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат) тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб, ҳар чоракда янгилаб боришлари лозимлиги белгиланган. Бироқ, Авиакомпания томонидан расмий веб-сайтида қонунчилик ҳужжатида белгиланган мазкур талаб ижро этилмаган ҳамда тегишли маълумотлар расмий веб-сайтида эълон қилинмаган.

У.Хусанов юқоридаги таъкидлаб ўтилган маълумотларни ўз вақтида Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтнинг очиқ маълумотлар бўлимига жойлаштириш бўйича харидлар департаментига тегишли кўрсатма берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис иштирокчилари ўртасида муҳокамалар бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ҳамда авиакомпания ўртасида очиқликни таъминлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда авиакомпанияни “яшил” тоифага олиб чиқиш юзасидан ишлаб чиқилган “Йўл харита” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

У.Хусанов томонидан кун тартибига киритилган масала тўлиқ кўриб чиқилганлиги таъкидланди ҳамда мажлис қатнашчиларига иштирок учун миннатдорчилик билдириди ҳамда мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Мажлис котиби:

Б.Хайруллаев